



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажакдаги буюк давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 6 май, №97 (3209)

Сешанба

## МИНТАҚАВИЙ ВА ДУНЁВИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЙЎЛИДА



### ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 май куни Оқсаройда АҚШ молия вазирининг ўринбосари Жон Тейлорни қабул қилди.

— ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг Тошкентда ўтаётган йиллик мажлисида АҚШдан нуфузли делегация қатнашмоқда, — деди Ислам Каримов учрашувда. — Биз буни қадрлаймиз ва юртимизга ташрифингизни ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг яна бир тасдиғи, деб ҳисоблаймиз.

Ж.Тейлор самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат ўртасидаги амалий мулоқотлар изчил давом этаётгани, ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари юзасидан фикр алмашилиб, молиявий соҳадаги ҳамкорлик, сармоя жалб қилиш, савдо-иқтисодий эътиборларга оид масалаларга алоқалар қаратилди.

Иқтисодий алоқалар йилдан йилга юксалмоқда. Ўзбекистонда кўплаб сармоявий лойиҳалар ижроси учун Япониядан энг замонавий асбоб-ускуна ва технологиялар келтирилмоқда.

Ўзбекистон ва Япония бир-бирининг халқаро ақилтерроп коалициясига кўрсатаётган ёрдамини юксак баҳолайди. Афғонистонни тиклаш операцияларида эса Япония томони Ўзбекистон инфратузилмаси ва заҳираларидан фойдаланиш истагини билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Грузияга ташриф буюради

«Жаҳон» АА.

Интернет саҳифаларида

### ЕТТБ Лойиҳаларига Швейцария грантлари

Европа Тикланиш ва тараққиёт банкнинг расмий сайтидан олинган маълумотларга кўра, пойтахтимизда бўлиб ўтган ЕТТБнинг 2003 йилги йиллик йиғилишида Швейцария томонидан учта банк лойиҳаларига грант ажратиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Бу сафарги грантда Швейцария томонидан уч йўналишда 15 миллион еврога яқин маблағ ажратилди. Булар — Андижон шаҳрининг иситиш тизимини қайта тиклаш, Ўзбекистон ва Қозғоғистонда бизнес консалтинг хизматини ривожлантириш ҳамда Руминия пойтахти — Будапешт шаҳри марказининг иситиш тизимини таъмирлаш кабилари.

Швейцария томонидан маблағлаштирилган Ўзбекистон ва Қозғоғистонда Бизнес маслаҳатлаштириш хизматини шакллантириш лойиҳасига 3 миллион евро ажратилмоқда. Ушбу дастур асосида япон мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳусусий фирмаларнинг бизнесдаги муаммоларини аниқлаш ва маҳаллий иқтисодчи мутахассислар ёрдамида юқори сифатли бизнес консалтинг хизматини таъкид этиш, шу билан бирга бозорни ўрганиб чиқиш, ахборот тизимини компьютерлаштириш соҳасида ёрдам кўрсатишни назарда тутилди.

Бундан ташқари, Швейцария ҳукумати 4,3 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағни Андижон шаҳрининг иситиш тизимини бутунлай қайта барпо этишга йўналтирди. Айнан шу лойиҳага Япония томони ҳам 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорига улۇш қўшмоқда.

Ушбу келишув Тошкентда бўлиб ўтаётган учрашувда Швейцария Иқтисодиёт ишлари вазир Иозеф Дейе ва ЕТТБ Президенти Жан Лемьер, Андижон шаҳрига йўналтирилган Швейцария гранти тўғрисидаги икки томонлама келишув эса Жан-ноб Дейе ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Фаннев ўртасида ҳам имзоланди.

Инглизчадан Б. ГОФУРОВ таржимаси.



Ўзбекистон узоқ йиллар эслаб юрадиган воқеани бошдан кечирмоқда. Мамлакат пойтахтида демократик ўзгаришлар ва бозор иқтисодиёти сари одим отаётган давлатларнинг вакиллари Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йиғилишида Марказий Осиёда ўз ўрнига эга бўлган Ўзбекистон билан яқиндан танишдилар.

### Халқаро миқёсдаги тарихий воқеа

Агар йиллик йиғилиш арафасида Ўзбекистоннинг экспорт-сармоявий имкониятлари кўргазмаси, шу мавзудаги форум ва 4 май куни ўтказилган тақдирот қатнашчиларда мезбон мамлакат ҳақида анча-мунча тасаввур туғдирган бўлса, «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг нутқи халқаро миқёсда кўплаб анжуманларда қатнашиб келётган меҳмонларнинг тафаккурини янгилаб юборди. Чунки Юртбошимиз ўз нутқида Ўзбекистонда демократик ислохотлар, барча соҳаларни эркинлаштириш жараёнлари қандай бораётганини тўғрисида ошқор-ра, раvon ва тушунарли тилда гапириб бердилар.

Иқтисодий соҳада муваффақиятга эришиш учун қандай омиллар ҳисобга олинши, қандай тўсиқлар бартараф этилиши лозимлиги аниқ баён қилинди. Кўпни кўрган сийасатдонлар ЕТТБнинг биринчи сессиясидаёқ Ислам Каримов нутқиға ўз муносабатларини билдирдилар. ЕТТБ Президенти Жан Лемьер йиғилиш минбаридан туриб Президент Ислам Каримов сармоявий иқлимнинг муҳим унсурларини муҳофама қилиши учун ўз мамла-

катини очиб берганлигига миннатдорчилик билдирди. Унинг Ўзбекистон бугундан кўра кўпроқ миқдорда инвестиция олиш, иқтисодий тараққиётни янада муваффақиятли ривожлантириш учун янги имкониятларга эга, деган эътирофи хайрихоҳлик билан қарши олинди. Ж.Лемьер Юртбошимизга мурожаат қилиб Сизнинг нутқингизни катта умид билан тингладик, бу чиқиш демократия, ҳусусий сектор ва нодавлат тузилмалар тўғрисида қатъият билан айтилган сўз бўлганлигини таъкидлади. Ўзбекистон ёлғиз ҳолда тараққиётга эриша олмаслиги жуда тўғри уқтирилди. Зеро, мамлакатда жорий этилаётган иқтисодий ислохотлар халқаро банк раҳбари қўйган талабларга ҳамоҳангдир. «Биз, деди Ж.Лемьер, беш давлат раҳбарлари ва Шорт хоним билан биргаликда чегаралардан ўтиб келаётган товарлар ва гоғлар масаласини муҳофама қилдик. Бундай маслаҳат мамлакатларни яқинлаштирди. Ишончим комилки, мазкур муҳомадалар ортидан фаол ҳаракатлар амалга оширилади».

Дастлабки сессияда Япония молия вазир Масадзуро Шикоаванинг Буюк Ипак йўли минтақасига муносабат билдирганлиги (Давоми 2-бетда).

### МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ). Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Президентини Жан Лемьер 5 май куни оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.



ЕТТБ президенти мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад — жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини Марказий Осиёга қаратиш вазифаси тўла бажарилганини мамнуният билан таъкидлади.

Тошкент форумида Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёдаги жараёнлар, минтақа мамлакатларининг эришган ютуқлари ва мавжуд муаммолари, уларни ҳал қилиш йўллари борасида очик ва самарали мулоқотлар бўлди.

Матбуот анжуманида банк президенти журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



### ОРОЛБЎЙИДА ЕВРОПА УЛУШИ

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган XII йиллик саммити Қорақалпоғистон Республикаси кенг жамоатчилигида қандай таассурот қолдирмоқда? Мухбиримиз ана шу савол билан бир неча нафар ҳамюртларимизга мурожаат қилди.

Каромитдин АБДИЖАЛИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси раиси: — Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгаши йиғилиши оролбўйидаги ишбилармонлар учун ҳам ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб беришига шак-шубҳа йўқ. Бундан олдин бир неча тadbиркоримиз ана шу банк кредитларидан фойдаланиб, бизнес соҳасида катта йўлга чиқиб олган эди. Анжумандан сўнг уларнинг сони янада ошиши тўғрисида гап. Бир қийси қўрсаткич келтирай: 1991 йили Қорақалпоғистоннинг янги ички маҳ-

сулотиди кичик ва ўрта бизнеснинг салмоғи 1 фоиздан аранг ошган эди. Айни кунга келиб бу кўрсаткич деярли 34 фоизга етди. Бунда, сўзсиз, ЕТТБнинг ҳам улۇши оз эмас!

Сафарбой АВАЗМАТОВ, «Қорақалпоғистон маҳсулотлари» акциядорлик уюмчаси раиси, Жўқорин Кенгес депутати: — Воҳамизда оқар сувининг кўпайиши билан Қорақалпоғистонда бугдой, ичи ва кунгабоқар экин миқёси кенгаймоқда. Бу уюшмамизга қарашли 20 та корхонадан ҳар бирининг ишлаб чиқариш қувватини тўлароқ ишга со-

лишини билдиради. Айни чоғда оид маҳсулотларини қайта ишлашда чет эл сармоялари ва хориж технологиялари жуда кўл келмоқда. Шу муносабат билан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки сармояларидан фойдаланишни ҳам режалаштирмоқдамиз.

Амин БАХИЕВ, Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими биологика институтининг директори: — Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгаши саммитида Халқаро Орolni кутқариш жамғармасининг амалдаги раиси, Тожикис-

тон Республикаси Президентини И.Раҳмонов сўзга чиқиб, иқтисодиётни юксалтириш орқали Марказий Осиёдаги экологик вазиятни унлаш зарурлигини уқтирди. Бизнинг бугунги биринчи навбатдаги вазифамиз Оролбўйи экотизими, яъни усимликлар, ҳайвонот дунёси ва албатта, тупроқларини муҳофаза қилишдан иборат. Назаримда сайёрамиздаги кўплаб молия институтлари қатори Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳам наинки халқнинг турмуш даражаси, балки агар муҳит учун ҳам ўз сармояларини сарфлайди.

Я.ҚУЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



**ШОПИЛИНГ!**

**«ЎздЭУавто» компанияси**  
**«Асака» банки билан биргаликда 1 августгача**  
**автомобилларни КРЕДИТГА сотишни бошлади.**



**Дастлабки бадал, автомобиль қийматининг 60%ини ташкил этади, қолган 40% эса 2 йил давомида йиллик 20% ҳисобга олинган ҳолда тўланади.**



**Автомобиллар сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда.**



**Ўзбекистон Республикаси фуқароларига**  
**«ЎздЭУавто» ЁТАЖда ишлаб чиқарилган автомобилларни**  
**сотиб олишлари учун кредит бериш**  
**ТАРТИБИ:**



1. Ушбу тартиб «Асака» банки муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига «ЎздЭУавто» ЁТАЖда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиб олишлари учун кредит бериш асосларини белгилайди.
2. Автомобилларни сотиб олиш учун кредитлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига истиқомат жойларидаги «Асака» банкининг минтақавий филиали томонидан икки йил муддатга кредит шартномаси асосида, муддатни узайтириш ҳуқуқсиз кредит учун йиллик 20% миқдоридagi фоиз ставкасини ундириш ва кредитни тенг ҳар ойлик тўловлар билан қоплаш шартларида берилади. Кредит автомобиль қийматининг 40%идан ошмаган миқдорда берилади. Кредитлашнинг мажбурий шarti қарз олувчининг кредитни сўндирмаган (ўз вақтида сўндирмаган) ҳолларда ундириш имкониятини кафолатловчи ликвид таъминоти мавжудлиги ҳисобланади. Кредитни таъминлашни тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш қарз олувчи ҳисобига амалга оширилади.

**«Асака» банки муассасаларида «Автоомонат» ҳисобини юритиш:**

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароси яшаётган жойидаги «Асака» банкининг минтақавий филиалида «Автоомонат» ҳисобини очади, унга автомобиль қийматининг камида 60%и миқдоридa омонатни қўяди. Омонат бир йўла тўлов билан ёки зарур маблағни ҳисобда тўплаб бориш йўли билан киритилиши мумкин. Омонат омонатчининг нақд маблағларини қўйиш ёки омонатларнинг бошқа турларидан пул ўтказиш ҳисобига шаклланади. Омонат бўйича фоизлар агар омонат ҳисобда бир ойдан ошиқ муддат турса, йиллик 10% ставкаси бўйича ҳисобланади, агар омонат муддати бир ойгача бўлса, «Автоомонат» омонати бўйича фоизлар ҳисобланмайди. Кредит олгунга қадар давр
4. Харид қилинадиган автомобиль қийматининг камида 60%и миқдоридa маблағни қўйган «Автоомонат»чи эгаси автомобиль қиймати ва «Автоомонат» маблағи ўртасида фарқ қилувчи маблағни кредитга олишга ҳақлидир.
5. Омонатчи «Автоомонат» ҳисобини ҳисобланган фоизларни олган ҳолда ёпишга ҳақлидир. Ҳисобдан маблағларни қисман беришга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси доирасида яшаш жойи ўзгарган чоғда омонатчи «Автоомонат» ҳисобини янги
6. Омонатчи вафот этган тақдирда «Автоомонат» ҳисоби бўйича ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган меросхўрга қайта расмийлаштирилиши мумкин ёки омонат маблағи меросхўрларга (резедентлар ва норезедентларга) тўланиши мумкин. Бунда омонат меросхўри белгиланган шаклдаги меросхўрлик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани кўрсатиши лозим.

**Автомобилни харид этиш учун кредит бериш:**

7. Кредит олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
  - ⇒ кредит олиш учун ариза;
  - ⇒ паспорт доимий прописка ҳақидаги белгиси билан (ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматчи гувоҳномаси);
  - ⇒ иш жойидан охириги йилдаги иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома, ёки даромаднинг бирон турини тасдиқловчи ҳужжат;
  - ⇒ турар жойидан маълумотнома;
  - ⇒ «Асака» банкида хизмат кўрсатилаётган «ЎздЭУавто» ЁТАЖ дилери бўлган корхонанинг олди-сотди шартномаси (ҳисоб-шартнома).
8. Юқорида санаб кўрсатилган барча ҳужжатлар мавжуд бўлганида «Асака» банк филиали қарз олувчи билан кредит шартномасини тузади. Кредит шартномаси икки нусхада тузилади, улардан бири қарз олувчига берилади.
9. Кредит шартномаси мўлжалланаётган кредитни таъминлаш расмийлаштирилганидан сўнг кучга киради. Кредитни таъминлаш қуйида келтирилган турлардан исталган биттаси бўлиши мумкин:
  - а) ликвидли кўчмас мулк гарови шартномаси;
  - б) тегишли лицензия ва тўловга қобилиятли компания обрўсига эга бўлган суғурта компанияси билан тузилган кредитни сўндирмаслик
10. Таъминлаш расмийлаштирилгандан ва кредит шартномаси кучга киргандан сўнг автомобиль қийматидаги маблағлар банк томонидан 3 операция куни мобайнида автомобиль сотувчи-дилер ҳисобига ўтказилади, бунда «Автоомонат» ҳисоби ёпилади.
11. Кредит бериш бўйича операция 13701 алоҳида ссуда ҳисобидан амалга оширилади, кейинчалик унга кредитни қоплаш учун тушаётган маблағлар ўтказилади.

**Ссуда бўйича гаровга харид этиладиган автотранспорт воситасини расмийлаштириш тартиби:**

12. Қарз олувчининг олинган кредитни сўндириш мажбуриятини таъминлашда автомобилни бериш автомобиль гарови ҳисобланади.
13. Гаровга кўра банк қарз олувчининг кредит ва кредит учун фоизлар бўйича қарздорликни муддатида сўндирмаган ҳолларда қарздорликни гаров қийматидан ёки қўйилган мулкни йўқотганлик ёки шикастланганлик учун суғурта тўловидан ундириш ҳуқуқига эга.
14. Банк қарз олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ кредит маблағлари ҳисобига оладиган автомобиллар гаровга олиниши мумкин.
15. Автомобиллар гарови остидаги кредитни расмийлаштириш чоғида банк қарз олувчи билан ёзма гаров шартномасини тузади, у нотариал тасдиқланиши ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талаблари ва «Ўзбекистон Республикасида автомобиль воситаларини рўйхатга олиш, қайта рўйхатга олиш, уларни ҳисобга олиш, миллий давлат номер белгиларини бериш ва алмаштириш қоидалари»га (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сонли қарорига биринчи илова) мувофиқ давлат автоинспекция идораларида рўйхатга олиниши керак.
16. Гаров шартномасида гаров предмети ва унинг баҳоси, гаров таъминлайдиган мажбуриятлар моҳияти, ўлчами ва бажариш муддати шунингдек, томонлардан қай бирида гаровга қўйилган мулк турганлиги кўрсатилиши лозим.
17. Гаров шартномасини расмийлаштириш учун қарз олувчи томонидан банкка 2000 йил 5 майдаги 8-сонли «Асака» банки тизими бўйича гаровга қўйиладиган мулкни танлаш ва баҳолаш тартиби»да белгиланган рўйхатга мувофиқ барча зарур ҳужжатлар тақдим этилади.
18. Гаровга қўйиладиган мулк (автомобиль) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қарз олувчининг маблағлари ҳисобига суғурта идораларида банк фойдасига барча таваккалчиликлардан, шу жумладан, қарз олувчининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, шунингдек, қўйилаётган мулкнинг тасодифий шикастланиши ёки ҳалок бўлиши, қарз олувчининг мулкка ёки учинчи шахсларнинг саломатлигига келтирилган зиён учун фуқаролик жавобгарлиги, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини тўла бажаргунга қадар муддатга суғурталаниши лозим.
19. Қўйилган мулкни суғурталаш шартномасида кўрсатилган қўйилган суғурта суммаси банк баҳосида гаровга қабул қилинаётган автомобиль қийматидан кам бўлмаслиги лозим.
20. Суғурта тўловини берилаётган кредит ҳисобига тўлаш тақиқланади.

**Автомобилни харид этиш учун кредитни сўндириш тартиби:**

21. Кредит учун асосий қарзни ва фоизларни сўндириш бўйича тўловлар қарз олувчи томонидан ҳар ойда кредит берилган санадан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилиши лозим. Қарз олувчи кредитни бир вақтни ўзида кредитдан фойдаланган амалдаги даврда ҳисобланган фоизларни тўлаган ҳолда муддатидан илгари сўндириши мумкин.
  22. Кредитни сўндириш ва кредит учун фоизларни тўлаш қарз олувчи томонидан нақд пуллар, алоқа бўлимлари банклар орқали иш ҳақи ёки бошқа даромадлардан ушлаб қолиш йўли билан нақдсиз ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.
- Қарз олувчи Ўзбекистон Республикаси дои-расида бошқа яшаш жойига кўчган ҳолларда кредит янги яшаш жойи бўйича «Асака» банкнинг минтақавий филиалига ўтказилиши лозим. Қарз олувчининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетганда кредит ҳисобланган фоизларни тўлаган ҳолда тўла сўндирилиши лозим.

**Автомобиллар ҳақидаги ўз орзуингизни рўёбга чиқаринг!**

